Биография

Ҳавохон Қаҳҳорова



Ҳавохон Қаҳҳорова 1946 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1961 йилда ўрта мактабни битириб, Тошкентдаги хотин-қизлар билим юртига ўқишга кирди. Уни 1964 йилда имтиёзли диплом билан битириб, Тошкент Давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетига ўқишга қабул қилинди. Университетни тугатгач, уни “Умумий тилшунослик” кафедрасига ўқитувчиликка тавсия этишди. 1980-1985 йилларда университет аспирантурасининг аввал сиртқи, кейин кундузги бўлимида ўқиди. 1985 йилда йирик тилшунос, профессор Ш.Раҳматуллаев раҳбарлигида “Абдулла Қодирий фразеологияси” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади, кейинроқ доцентлик илмий унвонига эга бўлди. 1986 йилдан “Ўзбек тилшунослиги”, кейин “Умумий тилшунослик” кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, 1994 йилдан кафедра мудири лавозимларида ишлади. 1999 йилда университетда рус гуруҳларда давлат тилини ўқитиш мақсадида “Ўзбек тили” кафедраси ташкил қилинди ва олима кафедра мудири этиб тайинланди. Ҳавохон Қаҳҳорова 200-2003 йилларда Республика Фан ва технологиялар маркази гранти асосида “Русча-ўзбекча матнларнинг компьютер дастури электрон таржимаси” мавзусида тадқиқот ишларини олиб борди.

Асарлари:

1972 Абдулла Қодирий асарларидаги вариантдош иборалар. Ўзбек тили стилистикаси. Илмий асарлар тўплами. ТошДУ.

1983 Абдулла Қодирий асарларида бошқа тил фразеологизмлари. “Ўзбек тили ва адабиёти”.
Ҳозирги ўзбек адабий тилида практик машғулотлар ўтиш бўйича методик кўрсатмалар, ТошДУ.

1997 Университет таълими учун ўзбек филологияси мутахассислиги бўйича ўқув дастурлари, ТошДУ.

2000 Ўзбек тили курсидан материаллар. Ўқув қўлланма. ЎзМУ.

2001 Ўзбек тили курсидан намунавий дастур. ЎзМУ.

2003 Ўзбек тили (университет рус гуруҳлари учун дарслик). ЎзМУ.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.